

# AGR



## IQTISODIYOT

ilmiy-amaliy agroiqtisodiy jurnal



1  
2024

# Agroiqtisodiyot

илмий-амалий агроиқтисодий журнал

## МУНДАРИЖА

3. **Н.ХУШМАТОВ.** Пахта хомашёси етиштириш иқтисодий самарадорлигини таъминлашда замонавий инновацион технологиялар ўрни
7. **А.МУХТОРОВ. Г.АБДУЛХАЕВА.** Икlim ўзгаришининг озиқ-овқат хавфсизлиги ва қишлоқ хўжалиги барқарорлигига таъсирининг айрим масалалари
10. **Н.АСКАРОВ.** Тараккӣ этган мамлакатларда кўп тармоқли қишлоқ хўжалиги субъектлари фаолиятини ривожлантириш хусусиятлари
15. **Қ.ЧАРИЕВ, Н.КАСИМОВА.** Боғдорчилик кластерларини ташкил қилиш ва самарадорлигини ошириш йўллари
19. **Д.ЯНГИБОЕВ, Н.АСКАРОВ.** Лалми ва қурғоқчил ерларда маҳсулот етиштиришни субсидиялашда табақали ён-дашув
22. **B.MENGLIKULOV.** Some aspects of recognition and accounting of biological assets in livestock farming
25. **С.УМАРОВ, З.ЮСУПОВ.** Қишлоқ хўжалигини техник модернизациялашни давлат томонидан кўллаб-куватлаш механизмларини такомиллаштириш
28. **З.ШОХУЖАЕВА.** Сув ресурсларидан фойдаланиш самародорлигиношириш йўллари
32. **А.ИНОБАТОВ.** Дехқон хўжаликларида грек ёнғоғи ишлаб чиқариш тизимишнинг ҳозирги ҳолати
35. **Ф.УСМОНОВ.** Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарда узоқ муддатли активлари ҳи-собини такомиллаштириш
38. **Sh.RAMAZONOV.** O'zbekiston hududlarida kovul yetishtirishning iqtisodiy samaradorligini oshirish yo'llari
40. **M.ERGASHEVA.** Foreign experiments on the introduction of innovative technologies in the agricultural sector and the possibility of their use in the republic of Uzbekistan
43. **У.УРМАНОВА.** Фермер хўжаликларида бюджетлаштириш тизимишни шакллантириш
46. **M.AMONOVA.** Moyli ekinlar yetishtiruvchi xo'jaliklarda xarajatlar hisobining xususiyatlari
49. **Р.ХОЛПЎЛОТОВ.** Молиявий мажбуриятлар ҳисобини халқаро стандартларга асосан такомиллаштириш
53. **Б.УСМАНОВ.** Ўзбекистон аҳолиси даромадларининг ҳолати ва даромадларини ошириш истиқболлари
57. **У.ТУРДИЕВА.** Ўзбекистонда фонд бозорини ривожлантириш муаммолари
60. **Б.КАРИМОВ.** Хорижий мамлакатларда кам таъминланган аҳоли пенсия таъминотининг ривожланиш тенденциялари
62. **N.MAMATQULOV.** Oilviy tadbirkorlikning shakllan-tirish orqali intensiv baliqchilik xo'jaliklarini tashkil etishning hozirgi holati
64. **М.ИСАХАНОВ.** Суғориладиган ерларнинг тупроқ унумдорлигини оширишни иқтисодий рағбатлантириш
66. **А.ДЎСТОВА.** Корхоналарда кадрлар салоҳиятидан фойдаланиш тенденциялари
69. **А.АВЛОКУЛОВ.** Аудиторлик далилларини тўплашда аудиторлик рискини пасайтириш йўналишлари
72. **М.АЧИЛОВ.** Мева-сабзавотчилик тармогини модернизациялашнинг назарий асослари
74. **Sh.AMIRQULOV.** Germanianing organik chovachilik mahsulotlari ishlab chiqarish tajribasi va uni O'zbekiston iqtisodiyotiga qo'llash amaliyoti
77. **B.MIRZAYEV.** Klaster nazariyasi hamda paxta-to'qimachilik klasterlarini rivojlasntirish imkoniyatlari
80. **O.QULLIYEV.** Korxonalarda eksport salohiyatini oshirishda innovatsion marketing texnologiyalaridan samarali foydalananish
83. **С.ГУЛМАТОВ.** Қишлоқ хўжалигида кредитлаш сиёсатини шакллантириш ва жорий этиш механизmlари
86. **A.SHAMSHETOV.** Moliyaviy natijalar auditni sifatini oshirishning ayrim jihatlari
88. **П.ХОЛИЁРОВ.** Божхона аудитини хорижий тажрибадар асосида ўзбекистонда қўллаш имкониятлари
92. **У.САДУЛЛАЕВ.** Чорвачилик тармоғини интенсив асосда ривожлантириш мезон ва кўрсаткичлари
94. **А.ТЎРАЕВ, Б.АБДИМУРОДОВ.** Ишлаб чиқариш корхоналаридан узоқ муддатли активларни халқаро стандартлар асосида ҳисобга олиш тартиби
96. **A.ABDULLOYEV.** Klaster tizimini rivojlantirish yo'llari
99. **Ҳ.АКБАРОВ.** Ўзбекистон тиҷорат банкларида валюта операцияларининг турлари ва уларни ривожлантириш йўллари
102. **A.VALIYEVA.** Boshqaruv qarorlarini qabul qilish jarayonida marketing tadbiqotlarining ahamiyati
104. **M.ISMAILOVA.** Xo'jalik yurituvchi sub'ekt moliyaviy holatini tahlil qishshda axborot bazasining ahamiyati
107. **С.БЕРДИЕВА.** Ўрмон хўжаликларини ривожлантириш стратегияси ва унинг натижалари
109. **U.XUSANOV.** Telekommunikatsiya korxonalarida raqamli texnologiyalardan foydalanan samaradorligi
112. **M.KADIROVA, О.ZOHIDOV.** Fermer xo'jaliklarida investitsiya va uni jalb qilish yo'llari
114. **Г.ХОЛМУРАТОВА.** Қишлоқ хўжалигига халқаро стандартларни жорий этишининг зурурияти ва асосий таомиллари
117. **Ш.ТУРДИЕВ.** Ўзбекистонда ёш оиласарга уй жой қуриш учун ипотека кредитини ажратиш тизими ва механизмиzin takomillashaishiриш йўллари
120. **А.ТЎРАЕВ, С.ХАЙДАРОВА.** Акциядорлик жамиятларида аудиторлик ҳисоботини аудитнинг халқаро стандартлари асосида тузиш тартиbi
123. **Х.ТУРОБОВА.** Экологик тадбиркорликни ривожланиши ва унга таъсир этувчи омиллар
127. **И.ЗИЯДУЛЛАЕВ.** Ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг долгзарб масалалари
129. **Г.САЙДАЛИЕВА.** Қишлоқ хўжалиги ерларини мониторинг қилиш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси ва уни мамлакатимизда қўллаш истиқболлари
131. **Ш.ИГАМОВА.** Курилиш саноати ривожининг истиқбалии йўналишларини ишлаб чиқиш
134. **Р.АШИРОВ, Б.МИРЖАМОЛОВ.** Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда маркетинг тадқиқотларининг ўрни
136. **M.ESHBEKOV, H.TUROBOVA.** Qishloq xo'jaligi chiqindilarini iqlim o'zgarishiga ta'siri
140. **J.HOSHIMOV.** Yashil iqtisodiyotga o'tish sharoitida to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilish
143. **A.SHERIMMATOV.** Davlat sektorida moliyaviy auditni tashkil etish masalalari
145. **Ҳ.ЭРГАШЕВА, А.ТУРҒУНБОЕВ.** Наманган вилоятининг тоғли худудларида экотуризмни ривожлантириш истиқболлари
147. **А.ТЎРАЕВ, Р.ХОЛПЎЛОТОВ.** Молиявий воситалар ҳисобини халқаро стандартлар асосида ҳисобга олишнинг ташкилий асослари
150. **M.XODJAYEVA, R.MAHMUDOVA.** O'zbekistonda auditorlik faoliyatining rivojlanish tendensiyalari
153. **M.TURDIYEVA.** To'qimachilik sanoat korxonalarida innovatsion faoliyatni rag'batlanirishda KPI qo'llash usullari va istiqbollaritashkil etish masalalari
156. **И.НАРМАМАТОВ.** Milliy tўlov тизимида инновацион ёндашувда хорижий амалиётнинг устуворлик жиҳатлари
158. **В.XOLBOYEV.** Davlat ichki moliyaviy nazorati va auditni tizimini tashkil etish bo'yicha xorijiy tajribalari

# Agroiqtisodiyot

илемий-амалий агроиқтисодий журнал

1(31), 2024

## ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Алишер ШУКУРОВ  
Акмал ҚОСИМОВ  
Шохрух АКРАМОВ  
Исройлжон ХОЛМИРЗАЕВ  
Тулкин ФАРМАНОВ  
Сайдасрор ГУЛОМОВ  
Норқул ХУШМАТОВ  
Ражаббай ДУСМУРАТОВ  
Фотима НАЗАРОВА  
Ирода РУСТАМОВА  
Яшнаржон АЛИЕВ  
Абдуҳолиқ МУХТОРОВ  
Муҳаммаджон ҚОСИМОВ  
Назимжон АСКАРОВ  
Аслиддин АБДУЛЛОЕВ  
Кайрулла УБАЙДУЛЛАЕВ  
Бахтиёр МЕНГЛИКУЛОВ  
Дилшод ЯНГИБОЕВ  
Абдурауф ОБЛОҚУЛОВ  
Улуғбек САДУЛЛАЕВ

## МУАССИС:

Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик  
ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази (**ISCAD**)

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига 2017 йил 10 марта  
0909-рақам билан рўйхатга олинган.

Журнал 2017 йил июндан чиқа бошлаган.

Бир йилда 4 мартда чоп этилади.

© Agroiqtisodiyot, 2024



## ҚУРИЛИШ САНОАТИ РИВОЖИНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Шахиня ИГАМОВА,

Бухоро давлат университети катта ўқитувчиси, PhD

**Аннотация.** Мақолада Бухоро вилоятида қурилишга боғлиқ бўлган муҳим кўрсаткичларнинг ўзгариши тадқиқ этилган ҳолда вилоятда бажарилган қурилиш ишлари ҳамда саноат маҳсулоти ҳажми орасидаги боғлиқликни баҳолаш бўйича регрессион таҳлил амалга оширилган.

**Аннотация.** В статье изучено изменение важных показателей, связанных со строительством в Бухарской области, а также проведен регрессионный анализ для оценки взаимосвязи между выполненными в регионе строительными работами и объемом промышленного производства.

**Abstract.** The article examined changes in important indicators related to construction in the Bukhara region, and also carried out regression analysis to assess the relationship between construction work performed in the region and the volume of industrial production.

**К**урилиш саноатини ривожлантириш мамлакат ижтимоий – иқтисодий тараққиётини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири эканлиги юқорида амалга оширилган таҳлиллар натижасида ўз тасдиғини топди. Бундан ташқари ушбу йўналишда амалга оширилган қатор тадқиқотлар натижалари ҳам буни асослашга хизмат қиласди. Жумладан, қурилиш саноатининг ривожланётган мамлакатларда иқтисодий ўсишнинг асосий омили эканлиги тадқиқотлар натижасида тасдиқланган. Саноатда маҳсулот ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва соҳага моддий ҳамда меҳнат ресурсларини сафарбар қилиш улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконини беради. Шунингдек, инсон учун бирламчи эҳтиёж бўлган уй-жой билан таъминлаш, инфратузилмани ривожлантириш ва уни сақлаб қолишда муҳим аҳамият касб этгани ҳолда маҳаллий аҳоли бандлигини таъминлайди ва иқтисодий самарадорликни оширади. Яна бир тадқиқотда қурилиш саноати бошқа ишлаб чиқариш корхоналари учун инфратузилмани таъминлаш, фуқарорларни бошпана билан таъминлаш, турли даражадаги билим ва малакага эга бўлган меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш орқали ҳар қандай иқтисодиётнинг юксалиши ва ривожланишига салмоқли ҳисса қўшиши таъкидланади [9].

Статистик маълумотлар таҳлилидан маълумки кейинги даврда аҳолини уй-жой билан таъминлаш ҳамда инфратузилмани ривожлантириш мақсадида қурилиш ишлари

ҳажмининг юқори суръталардаги ўсиши кузатилмоқда. Жумладан, 2005–2022 йилларда мамлакатда бажарилган қурилиш ишлари ҳажмининг 7,4 баробарга ошиши кузатилган бўлса, Бухоро вилоятида мазкур кўрсаткич бироз камроқ, яъни 6,4 баробарни ташкил қиласланлиги аниқланган. Натижада вилоятнинг жами бажарилган қурилиш ишларидағи улуши 10,5 фоиздан 6,9 фоизга қадар камайган. Бу эса ўз навбатида вилоятда қурилиш соҳасини янада ривожлантириш масаласига эътибор қаратиш уни истиқболдаги кўрсаткичларини аниқ микдорий усувлар ёрдамида ишлаб чиқишина талаб қиласди. Тадқиқ қилинаётган 2005–2022 йилларда Бухоро вилоятида асосий кўрсаткичларни ўзгариш динамикасига эътибор қаратиб ўтилди (1-жадвал).

Ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотла-

1-жадвал

Бухоро вилоятида қурилишга боғлиқ бўлган муҳим кўрсаткичларнинг ўзгариши

	2005 йил	2022 йил	2022 йилда 2005 йилга нисбатан ўзгариш (баробар)
Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми (млрд. сўмда)	126,9	207,2	1,6
Қурилиш ишлари млрд сўмда	37,7	239,8	6,4
Асосий капиталга киритилган инвестициялар (млрд.сўмда)	64,6	236,2	3,7
Саноатда асосий капиталга киритилган инвестициялар (млрд.сўмда)	9,8	119,0	12,2
Қурилишда асосий капиталга киритилган инвестициялар (млрд.сўмда)	0,0	2,4	243,2
Қурилиш материаллари экспорти ҳажми млн.доллар	0,0	10,3	1030,0
Қурилиш материаллари импорти ҳажми млн.доллар	2,7	33,4	12,4

**Ключевые слова:** самарадорлик, инновацион ривожланиш, фаоллаштириш, механизмлар, қурилиш материаллари, инфратузилма, иқтисодиёт, саноат.

ри ҳажмининг бажарилган қурилиш ишларига нибатан паст ўсиш суръатига эга бўлиши қурилиш материалари саноатини ривожлантириш ва уларнинг жами саноатдаги улушкини ошириш лозимлигини талаб қиласди. Чунки, бажарилган қурилиш ишларини ошиши мос равишда қурилиш саноати материалларига бўлган талабни ҳам ошишига олиб келади. Одатда баражилган қурилиш ишларидаги харажатларнинг катта қисми қурилиш материаллари учун сарфланади. Аммо, ушбу улуш қурилишнинг тури ва йўналишидан келиб чиқсан ҳолда фарқли бўлиши мумкин. Мазкур йўналишда амалга оширилган тадқиқотлар натижаларига кўра турли йўналишлардаги қурилиш ишларидаги материаллар учун харажатлар улушкининг ўртача қиймати 33,75 фоизндан 37,18 атрофида бўлиши аниқланган [10].

Бундан ташқари экспорт ва импортидаги кескин ўзгаришлар ҳам кузатилган, жумладан вилоятда қурилиш материаллари экспорти ҳажми 2005 йилда деярли мавжуд бўлмаган бўлса, 2022 йилга келиб 10,3 миллион долларни ташкил қилганлиги қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни миқдор ва сифат жиҳатдан ошаётганлигини асослайди. Бошқа томондан эса импорт қилинаётган қурилиш материаллари ҳажмининг ҳам 12,4 баробарга ошганлиги ички бозорни таъминлашда муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Асосий капиталга киритилган инвестицияларда қурилишнинг улушкини ошиб бориши кейинги йилларда келтириб ўтилган муаммоларнинг янада кескинлашишидан далолат беради. Бу эса ўз набвата ишлаб чиқариш, яъни қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ошириш лозимлигини асослайди.

Келтириб ўтилган таҳлил натижаларига таянган ҳолда вилоятда бажарилган қурилиш ишлари ҳажми билан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмида орасидаги боғлиқликни қараб чиқамиз. Ушбу боғлиқликни аниқлаш учун дастлаб чизиқли функциядан фойдаланилди ва қуидаги натижага эга бўлинди.

$$\begin{aligned} \ln(BCON) &= -9,49 + 2,78 * \ln(BINDP) \\ se &= (1,00) \quad (0,20) \\ t &= (9,43) \quad (13,96) \quad R^2 = 0,93 \\ DW &= 0,59 \end{aligned}$$

Бу ерда: BCN – Бухоро вилоятида бажарилган қурилиш ишлари ҳажми млрд сўмда; BINDP – Бухоро вилоятида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми (млрд. сўмда);

Ишлаб чиқилган моделнинг адекватлигин

асослаш учун келтириб ўтилган барча мезонлар унинг адекват эканлигини асосламоқда, шунингдек бошқа мезонлар ҳам келтириб ўтилган бўлиб улар ҳам талаб этилган меъёрлар даражасида эканлигини кузатиш мумкин. Бундан ташқари MAPE кўрсаткичи ҳам 2,85 ни ташкил қилгани ҳолда моделнинг ишончлилиги юқори эканлигини кўрсатмоқда. Бироқ, Дурбин – Уатсон мезони бўйича аниқланган қийматнинг 0,59 teng бўлиши ва белгиланган мезондан кичик эканлиги ( $DL=1,13$   $DU=1,38$ ) автокорреляция муаммоси мавжудлигидан далолат берда ва ушбу моделдан фойдаланган ҳолда хулоса чиқаришга имкон бермайди. Аммо, график усулдан маълум бўлишича иккила кўрсаткич орасида етарли даражадаги юқори боғлиқлик мавжуд.

Шу сабабли вилоятда бажарилган қурилиш ишлари ҳамда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш орасидаги боғлиқликни баҳолаш, автокорреляция муаммосини бартараф этиш мақсадида ARMAX кўринишга эга бўлган модел ишлаб чиқилди. Яъни қурилиш ишларининг олдинги йилдаги ҳажми таъсир қилувчи омил сифатида қаралди.

$$\ln(BCON)_t = 0,98 * \ln(BCON)_{t-1} + 0,37 \varepsilon_{t-1} + 0,92 * \ln(BINDP)$$

Ишлаб чиқилган моделнинг адекватлигини асослаш учун ҳар бир мезонга алоҳида тўхталиб ўтирмасдан барча мезонлар бўйича олинган натижаларни келтириб ўтилди (2-жадвал). ушбу натижалардан маълум бўлишича ишлаб чиқилган модел ва унинг коэффициентлари адекват барча мезонлар бўйича адекват эканлигини кузатиш мумкин. Бундан ташқари MAPE кўрсаткичини 2,00 га teng эканлиги моделнинг юқори даражада ишончли эканлигидан далолат беради. Таҳлил натижларига таянган ҳолда ишлаб чиқилган моделдан вилоятда бажарилган қурилиш ишлари ҳамда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми орасидаги боғлиқликни баҳолаб ўтилди.

Ишлаб чиқилган ARMAX модели асосида олинган хуласаларга кўра вилоятда қурилиш ишлари ҳажми билан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми орасида етарли даражадаги юқори боғлиқлик мавжуд. Жумладан, қурилиш ишлари ҳажмини бир фоизга ошиши ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотлари ҳажмини 0,92 фоизга ошириши талаб қиласди, яъни эластиклик коэффициенти 0,92 га teng.

Ушбу таҳлил натижалари вилоятда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажминиг ошаётганлигидан далолат беради. Чунки,

**2-жадвал**

**Бухоро вилоятида бажарилган қурилиш ишлари ҳамда саноат маҳсулоти ҳажми орасидаги боғлиқликни баҳолаш бўйича регрессион**

**таҳлил натижалари**

Модель 2: ARMAX, использованы наблюдения 2000-2022 (T = 17)

Зависимая переменная: l\_BCON

Стандартные ошибки рассчитаны на основе Гессиана

	Коэффициент	Ст. ошибка	z	P-значение	
phi_1	0,976732	0,0343769	28,41	<0,0001	***
theta_1	0,378962	0,190436	1,990	0,0466	**
I_BINDP	0,923616	0,118868	7,770	<0,0001	***
Среднее зав. перемен	4,545894	Ст. откл. зав. перемен	0,578212		
Среднее инноваций	0,050504	Ст. откл. инноваций	0,100782		
R-квадрат	0,975991	Испр. R-квадрат	0,972561		
Лог. правдоподобие	12,95758	Крит. Акаике	-17,91517		
Крит. Шварца	-14,58231	Крит. Хеннана-Күннин	-17,58388		
	Действител ьная часть	Мнималь ная часть	Модуль	Частота	
AR					
	Корень 1	1,0238	0,0000	1,0238	0,0000
MA					
	Корень 1	-2,6388	0,0000	2,6388	0,5000

бажарилган қурилиш ишларини хом-ашё билан таъминлаш учун зарурий материалларини ишлаб чиқармасдан мумкин эмас. Бундан

ўтказилган яъни, 2000 йил нархларида ифодалангандан.

ташқари экспорт ҳажмининг ҳам кескин равишда ўсиши соҳадаги тараққиётнинг таъминланётганлигидан далолат беради. Буларни ҳисобга олган ҳолда вилоятда кейинги йилларда бажариладиган қурилиш ишлари ҳажмини истиқболдаги прогноз қийматларини кўп варианти моделилар асосида амалга ошириб ўтилди. Мазкур таҳлилни амалга ошириш учун 2000-2022 йиллар маълумотларидан фойдаланилади. Прогнозни амалга ошириш учун қанчалик узоқ муддат олинадиган бўлсак, унинг ишончлилик дараҷаси ҳам шунчалик юқори бўлади. Моделни тузиш учун фойдаланиладиган маълумотлар ўзгармас нархларга

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. -Toshkent: “O‘zbekiston” NMIU, 2020. -B. 23.
2. Birlashgan millatlar tashkiloti (саноатни rivojlantirish bo‘yicha) – <https://www.unido.org/sites/default>
3. Игамова Ш.З. Перспективы дальнейшего развития промышленности строительных материалов //АгроИқтисодиёт илмий-амалий агроИқтисодий журнал, 2021 йил
4. O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi [Elektron manba]. – <http://www.stat.uz>.
5. Строительство в Узбекистане. Статистический сборник. / Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике. Ташкент, 2022.
6. Фатхутдинов, Р.Ф. Инновационный менеджмент / М., 2016.
7. Игамова Ш. З. Особенности бухарский области с позиций инновационного развития экономики //Gospodarka i Innowacje. – 2023. – Т. 42. – С. 170–174.
8. Anaman, K.A. and Osei-Amponsah, C. (2007). Analysis of the causality links between the growth of the construction industry and the growth of the macro economy in Ghana. Construction Management and Economics, 25(9): 951–961. <https://doi.org/10.1080/01446190701411208>.
9. Windapo, Abimbola & Moghayedi, Alireza & Oliphant, David & Adediran, Abdulrauf. (2018). Exploring the Components of Cost on Construction Projects. Journal of Construction Business and Management. 2. 42–50. 10.15641/jcbm.2.2.573.

## Хурматли журналхонлар!

“**AGROIQTISODIYOT**” илмий-амалий аграр иқтисодий журнали 2017 йил июнь ойидан бошлаб нашр этила бошланди. Унда иқтисодиёт мавзусидаги мақолалар билан қатнашиш мумкин.

Журналда чоп этиладиган мақолалар **ўзбек, рус ва инглиз** тилларида қабул қилинади. Уларнинг ҳар бири **8 бет**дан кам бўлмаслиги, А4 ўлчамдаги оқ қофозда, **1,5 интервал билан 14 шрифтда Times New Roman шрифтида тайёрланган, ўзбек, рус, инглиз тилларида қисқача аннотация ва калит сўзлар илова қилинган, муаллифнинг фамилияси, исми ва шарифи, иш жойи, лавозими, илмий даражаси ва узвони, манзили, телефон рақами ва электрон почтаси** кўрсатилган ҳолда тақдим этилиши керак.

Мақолани электрон почта ooqxsrtxm@agro.uz орқали ҳам юборишингиз, қўшимча маълумотлар учун эса қўйидаги телефонларга мурожаат этишингиз мумкин: (371) 2605230, 2605261.

Ушбу журналда эълон қилинган мақолалар билан **Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро марказининг** веб сайти, ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ҳамда www.ooqxsrtxm.uz орқали танишишингиз мумкин.

Манзил: **100140, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2 уй.**  
**Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази (ISCAD)**

Таҳририят:

Мусаҳҳих: **Янгибоев Д.**

Дизайнер-саҳифаловчи – **Садуллаев У.**

Таҳририят манзили:

100140, Тошкент вилояти, Қибрай тумани  
Университет кўчаси, 2 уй.

Тел.: (+0371) 2605230

Факс: (+0371) 2605230

E-mail: ooqxsrtxm@agro.uz

Бичими 60x84 1\8 (4 б.т.). Адади 150.

Чоп этишга 31.03.2024 йилда руҳсат  
этилди. 8/15 сонли бўртма.

Уч ойда бир марта чиқади.

Баҳоси келишилган нарҳда.

“**AGROIQTISODIYOT**” журналидан кўчириб босиш фақат таҳририятнинг ёзма розилиги билан амалга оширилади.

Таҳририят фикри муаллифларнинг  
фикр ва қарашларига мос келмаслиги  
мумкин.

Мақолалардаги факт ва рақамларнинг  
ҳаққонийлигига муаллиф шахсан масъул.

Реклама мазмунига реклама берувчи  
жавобгар.